

Истиғфорнинг фазилати



14:48 / 18.11.2024 3227

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саҳифасида кўп истиғфор топган кишига тубо – жаннат бўлсин», дедилар (Ибн Можа ривояти).
2. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нафсим қўлида бўлган Зот ила қасамки, агар гуноҳ қилмасангиз, Аллоҳ сизларни кетказиб, ўрнингизга гуноҳ қилиб, истиғфор айтадиган бир қавмни келтирур ва уларни мағфират қилур», дедилар» (Муслим ва Аҳмад ривояти).
3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси банда гуноҳ қилиб, сўнгра таҳорат қилса, таҳоратини мукаммал қилса, сўнг туриб икки рақъат намоз ўқиса, кейин ўша гуноҳига истиғфор айтса, Аллоҳ албатта уни кечиради», дедилар (Аҳмад, Насойй ва Термизий ривояти).

4. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳога қараб: «Агар бир гуноҳ билан аламлансанг Аллоҳга истиғфор айт ва тавба қил. Албатта гуноҳдан тавба надомат ва истиғфор айтишдир» дедилар (Байҳақий ривояти).

5. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Зайддан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким **«Астағфируллоҳаллазий лаа илаҳа иллаа ҳувал ҳаййул қоййуму ва атуубу илайҳ»** деса, ҳатто жангдан қочган бўлса ҳам, унинг гуноҳлари кечирилади», дедилар (Абу Довуд ривояти).

Маъноси: *Ўзидан ўзга илоҳ йўқ, Ҳаййул Қоййум бўлган Аллоҳга истиғфор айтаман ва У Зотга тавба қиламан.*

6. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гуноҳ қилган ҳар бир мусулмон яхшилаб таҳорат қилиб, икки рақъат намоз ўқиб, сўнгра истиғфор айтса, албатта, Аллоҳ уни кечиради», дедилар ва ушбу оятни ўқидилар: **«Ва фаҳш иш ёки ўзларига зулм қилиб қўйганларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрарлар»**, (Оли Имрон сураси, 135-оят) (Термизий ривояти).

7. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Бир мажлисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Роббиғфирлий ва туб ғалайя, иннака антат тавваабур роҳийм» деб юз марта айтганларини санаганмиз» (Абу Довуд ривояти).

Маъноси: *«Роббим! Мени мағфират қил, тавбамни қабул қил, ахир Сен тавбаларни қабул қилувчисан, раҳмлисан».*

8. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимни (амал) саҳифаси хурсанд қилишини яхши кўрса, бас, унда истиғфорни кўпайтирсин», дедилар. (Байҳақий ривояти).

9. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ табарока ва таоло шундай дейди: «Эй Одам боласи! Модомики Менга дуо қилар экансан, Мендан умидвор бўлар экансан, Мен сендаги жамики нарсани мағфират қиламан, парво қилмайман. Эй Одам боласи! Агар гуноҳларинг осмоннинг тепасига етган бўлса ҳам, кейин Менга истиғфор айтсанг, сени мағфират қиламан, парво қилмайман. Эй Одам боласи! Менга ер юзи тўла гуноҳ билан рўбарў келсанг ҳам, Менга ширк келтирмаган ҳолда Менга йўлиқсанг, Мен сенга уни (ерни) тўлдирадиган мағфират билан рўбарў

келаман» (Термизий ривояти).

Анвар Турсунов

«Ҳилол» журнали 4 (61) сон